

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУЛК ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ РОЛИ ВА РЕЙТИНГ МУАММОЛАРИ



Ташпулатов Гиёс Тохирович
Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси
E-mail: giyos_tashpulatov@mail.ru

Аннотация: Мақола Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорига таъсирига ва ушбу бозорнинг миллий иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо бериш ҳамда унда фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш муаммоларини ҳал қилишга бағишланган.

Калит сўзлар: мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг миллий иқтисодиётдаги роли, баҳоловчи ташкилотлар рейтинг ва рэнкингини баҳолаш тизими ва унинг муаммолари.

Abstract: The article is devoted to the analysis of the impact of macroeconomic policy in Uzbekistan on the market of property valuation services and the role of this market in the national economy, as well as the solution of the problem of assessing the rating of appraisal organizations operating in it.

Keywords: the role of the market of property valuation services in the national economy, the rating and ranking system of appraisal organizations and its problems.

Кириш

Ўзбекистонда давлатнинг амалга ошираётган кенг кўламли ва изчил ислохотлари асосида турли мулкчилик шаклига асосланган самарали мулкчилик тизими ва ундаги иқтисодий оборотдаги мулк натижадорлигини белгилашда муҳим роль ўйновчи мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозори (МҚБХБ) шакллантирилди. Ушбу бозорнинг фаолият механизми учун зарур ҳуқуқий база ва иқтисодий шароитлар босқичма-босқич яратилмоқда. Шундай бўлсада, Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни МҚБХБга таъсири ва ушбу бозорнинг миллий иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо берилмаган ва унда фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини баҳолаш муаммолари етарлича ҳал қилинмаган. Ваҳоланки, жаҳонда қийматни баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкинги баҳоланишини махсус ишлаб чиқариш жараёни ва бизнес, улар маҳсулотини бозор товари ва индикатори, буларнинг тўпламини яхлит иқтисодий категория ҳамда ушбу категория билан боғлиқ амалий ва илмий фаолиятлар соҳаси сифатида иқтисодиёт ривожланишида муҳим роль ўйнаши эътироф этилган.

Умуман олганда, бир томондан, “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегиясининг [1] муҳим аҳамиятга эга эканлиги [4] ва Давлат раҳбарининг баҳоловчи ташкилотлар томонидан МҚБХБда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини жорий этиш билан боғлиқ топшириғининг [2] бажарилмаганлиги, иккинчи томондан эса, макроиқтисодий сиёсат таъсирида МҚБХБнинг миллий иқтисодиётдаги роли баҳоланмаганлиги, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ва рэнкингини Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги ривожланиш шароити ва талабларига мос равишда аниқлаш имконини берувчи биронта ҳам методология ва рейтинг агентлиги йўқлиги, ушбу мақоланинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Узоқ хориж давлатларида МҚБХБ ривожланиш тенденциялари ва унинг иқтисодий роли АҚШ ва Европа экспертлари томонидан [14-17] ўрганилган бўлиб,

уларнинг натижалари Ўзбекистон учун аҳамиятли. Ҳудди шундай, МДХ мамлакатлари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар [9-13] ҳам Ўзбекистон учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни МҚБХБга таъсири ва ушбу бозорнинг миллий иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо бериш ва унда фаолият юритаётган баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳолаш муаммолари ечимига баҳишланган тизимли тадқиқот ишларининг йўқлигини кўриш мумкин. Зеро бу борада профессор Ш.Шоҳаъзамийнинг давлатнинг макроиқтисодий сиёсати контекстида фақат МҚБХБ ривожланиш тенденциялари ва муаммоларини, ушбу бозорнинг иқтисодиётдаги роли таҳлил қилинган [3]. Лекин ушбу тадқиқот иши баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги баҳоланиши масалалари ечимига қаратилмаган.

Хориж мамлакатлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосан чет элдаги МҚБХБ ривожланиш тенденциялари ва ролини характерласада, лекин уларда ушбу бозорнинг профессионал иштирокчилари бўлмиш баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги муаммоларига қаратилмаган.

Мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан мазкур мақола мавзуси бўйича тадқиқот ривожлантирилмаган.

Юқорида айтилганлар мазкур мақола мавзусида илмий изланиш олиб бориш долзарблиги ва зарурлигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот мақсадида тизимли ёндашув, маълумотларни кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, статистик қайта ишлаш методлари ва эконометрик таҳлил усулидан фойдаланилган. Ушбу методлар эконометрик таҳлил қилиш жараёнида қўлланилган бўлиб, олинган эмпирик натижалар Ўзбекистондаги МҚБХБнинг иқтисодиётдаги ролига таҳлилий баҳо бериш ва уни ошириш билан боғлиқ хулоса ва таклифлар шакллантириш имконини берди. Шулар билан бир қаторда мазкур миллий бозордаги баҳоловчи ташкилотлар рейтинги ва рэнкинги методологиясини қўллаш асосида уларнинг рейтинг ва рэнкинги баҳоларини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар аниқланган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларнинг тасдиғи сифатида 1-жадвалда берилган макроиқтисодий сиёсат (фискал, монетар, инвестиция сиёсатлари) контекстида МҚБХБ динамикасини келтириш мумкин.

1-жадвал

Макроиқтисодий сиёсат индикаторлари ва МҚБХБ динамикаси, %

Йил	Инвестициялар X1	Монетизация X2	Қайта молиялаштириш ставкаси X3	Инфляция X4	Фойда солиғи* X5	ЯИМ ўсиши X6	МҚБХБ Y
2000	1,0	10,2	32,3	29,2	31	3,8	1,1
2001	3,7	10,2	26,8	26,6	26	4,2	1,2
2002	3,6	9,4	34,5	21,6	24	4,0	1,4
2003	4,8	9,3	27,1	3,8	20	4,4	1,5
2004	7,3	10,3	18,8	3,7	18	7,4	1,6
2005	5,7	14,2	16,0	7,8	15	7,0	1,7
2006	9,3	14,9	14,0	6,8	12	7,5	1,8
2007	25,8	18,5	14,0	6,8	10	9,5	1,8
2008	34,1	17,2	14,0	7,8	10	9,0	2,0
2009	24,8	19,5	14,0	7,4	10,0	8,1	1,9
2010	8,7	20,8	12,0	7,3	9,0	8,5	1,7
2011	3,8	21,7	12,0	7,4	8,0	8,3	2,5
2012	12,7	22,0	12,0	7,0	8,0	8,2	1,8

2013	12,1	24,3	12,0	6,8	8,0	8,0	1,6
2014	9,8	25,2	10,0	6,1	8,0	8,0	1,4
2015	9,7	26,9	9,0	5,6	5,0	7,9	1,42
2016	9,6	27,6	9,0	5,7	5,0	6,8	1,44
2017	7,1	27,7	9,0	14,4	5,0	5,3	1,5
2018	12,4	27,6	14,0	14,3	5,0	5,4	1,1
2019	19,5	26,6	16,0	15,2	4,0	5,6	1,26

Манба: Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги (ДАБА) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Изоҳ: * - кичик бизнес учун. Бунда макроиқтисодий сиёсат контекстида МҚБХБ динамикаси деган тушунчанинг мазмунига мос равишда Х1, Х2, Х3, Х4, Х5, Х6 индикаторларни Y кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар деб олинган.

Келтирилган 1-жадвал маълумотлари таҳлилидан макроиқтисодий индикаторлар миқдори ва ўсиш динамикаси ижобий бўлсада, лекин ушбу индикаторларга қараганда МҚБХБ ҳажми ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ривожланиши ҳаддан ташқари пастлигича қолмоқда. Бунда муаммо сифатида баҳоловчи ташкилотлар ва баҳолаш объектларининг ривожланиш даражаси пастлигини ҳамда баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинги ва рэнкингини ҳанузгача баҳоланмаслигини кўрсатиш мумкин.

Бунда, масалан, 2018 ва 2019 йилларда МҚБХБ ҳажми мос равишда 49,21 млрд.сўм ва 62,15 млрд.сўм бўланини ҳисобга олсак, бунда унинг иқтисодиётдаги ролини (ЯИМ га нисбатан %) ҳанузгача жуда пастлигини, яъни 0,012% ва 0,0123% эканини 2-жадвалдан кўриш мумкин. Умуман олганда, МҚБХБнинг иқтисодиётдаги роли (ЯИМга нисбатан, %) 2019 йилда 2000 йилдагига қараганда 4 (тўрт) баробарга камайган (яъни 2000 йилда 0,046%, 2019 йилда 0,0123%).

2-жадвал

Мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорининг кўрсаткичлари ва иқтисодиётдаги ролини кўрсатувчи тенденциялар

Йил	Баҳоловчи ташкилотлар сони	МҚБХ ҳажми, млрд. сўм	МҚБХБнинг иқтисодиётдаги роли (ЯИМга нисбатан, %)
2000	401	1,5	0,046
2001	389	1,7	0,034
2002	372	2,1	0,028
2003	358	2,6	0,026
2004	327	3,2	0,026
2005	314	3,9	0,025
2006	287	4,7	0,022
2007	251	5,5	0,019
2008	39**	7,5	0,02
2009	106	8,4	0,017
2010	114	10,1	0,016
2011	127	12,7	0,019
2012	135	14,3	0,017
2013	152	16,8	0,018
2014	172	19,4	0,016
2015	195	23,5	0,015
2016	214	28,7	0,014
2017	226	36,2	0,013
2018	187*	49,21	0,012
2019	170	62,15	0,0123

Манба: Давлат статистика қўмитаси ва ДАБА маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Изоҳ: * - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 1 июндаги №ПҚ-3764-сон қарори ушбу бозор фаолият механизмининг навбатдаги ислоҳи ҳисобланиб, МҚБХБнинг иқтисодиётдаги ролини 2018 ва 2019 йилларда оширилишига ҳозирчалик сезиларли таъсир кўрсата олмади; ** - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар

фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг маъсулиятини ошириш тўғрисида”ги 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ-843-сон қарори чиқиши муносабати билан унгача мавжуд бўлган барча 848 малака сертификати ва 242 лицензия бекор қилинган бўлиб, 2008 йилда жами янгидан берилган сертификатлар сони 334, лицензиялар сони эса 39 бўлган. Бунда мазкур қароргача лицензиялар баҳолашнинг барча турига берилган бўлиб, бунда баҳоловчи фаолиятини 1 та хусусий тадбиркор юритган.

МҚБХБ ривожланишига (яъни унинг иқтисодиётдаги ролига) макроиқтисодий сиёсатнинг таъсирини 1-жадвал кўрсаткичлари (бунда 2017-2019 йилларда инфляция даражаси кескин кўтарилиши ва ислохотлар кучайиши шароитида иқтисодий ўсиш коррективировка қилинганини ҳисобга олиб) асосида ўтказилган эконометрик таҳлил натижаларидан (Eviews компьютер дастури ёрдамида олинган), яъни 3-жадвалда келтирилганлардан, кўриш мумкин.

3-жадвал

Яқуний хулоса

<i>Регрессион статистика</i>			
Multiple (бир нечта) R	0.816565438		
R-квадрат	0.666779114		
Меъёрланган R-квадрат	0.512984859		
Стандарт хато	0.233642373		
Кузатувлар	20		
	<i>Кoeffициентлар</i>	<i>Стандарт хато</i>	<i>t-статистика</i>
Y-кесишган жой	2.322157543	1.214015	1.912791
X 1 ўзгарувчи	-0.01355844	0.009665	-1.40282
X 2 ўзгарувчи	-0.06605167	0.031483	-2.09803
X 3 ўзгарувчи	0.008693605	0.026326	0.330234
X 4 ўзгарувчи	0.018108632	0.016373	1.106012
X 5 ўзгарувчи	-0.06692397	0.034953	-1.91468
X 6 ўзгарувчи	0.169237293	0.071128	2.379325

Ушбу 3-жадвал (яқуний хулоса) асосида қуйидаги регрессия тенгламасини олиш мумкин:

$$Y = a - b_1 * X_1 - b_2 * X_2 + b_3 * X_3 + b_4 * X_4 - b_5 * X_5 + b_6 * X_6 + e$$

Ушбу функция (тенглама) доирасидаги статистик маълумотлар ва улар орасидаги боғлиқликлар 3-жадвалда келтирилган бўлиб, улар таҳлиliga кўра МҚБХБ (Y) ҳажми X1, X2, X5 омиллар билан манфий ишорали ҳамда X3, X4, X6 омиллар билан мусбат ишорали боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Шундай қилиб, 1-жадвал, 2-жадвал ва 3-жадвалдаги маълумотлар таҳлили асосида МҚБХБ фаолияти (ҳажми) ҳозирда давлатнинг замонавий макроиқтисодий сиёсати талабларига тўла жавоб бера олмаяпти деб хулоса қилсак бўлади.

Миллий иқтисодиётда МҚБХБ ролининг пастлиги, унинг макроиқтисодий сиёсат индикаторлари ўсиш динамикасида сезиларли даражада орқада қолиши ушбу бозорда ҳанузгача турли муаммолар мавжудлигини билдиради. Яъни Ўзбекистондаги МҚБХБ муаммолари – бу ушбу бозорнинг ҳуқуқий базаси такомил эмаслиги, институционал тузилмаси ривожланмаганлиги ва ҳудудий дисбаланснинг кучлилиги, баҳолаш фаолиятининг лицензияланмаслиги (2020 йида жорий қилинган), кадрлар профессионализи ва уларнинг хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, баҳолаш методологик таъминотининг такомил эмаслиги, коррупция ва ҳубфия бизнес элементларининг мавжудлиги, баҳоловчи ташкилотларнинг ахборот шаффофлиги

(транспарентлиги) ва рақобатдорлиги пастлиги, баҳоловчи ташкилотлар фаолият рейтинги баҳоланиши ва рэнкинги аниқланиши тизими ва методологиясининг йўқлиги бўлиб, уларни ҳалол рақобат асосида транспарент ривожланишида ва бунда уларнинг потенциал мижозлари томонидан асосли танланилишида ишончли ва сифатли рейтинг баҳоларнинг муҳимлиги ушбу бозор иштирокчилари томонидан объектив зарурат сифатида эътироф этилмоқда. Бунда баҳолаш фаолияти амалиётида адолатли қиймат концепциясини жорий қилиш [3] ва “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси [1] вазифалари ижросини МҚБХБ томонидан самарали амалга оширилиши ҳамда рейтинг ва рэнкингни баҳолаш ташкилотларининг катта роль ўйнаши [2] уларга ушбу бозор иштирокчилари томонидан нафақат катта ишонч, масъулият ва жавобгарлик юклатилиши, балки МҚБХБ рақамли трансформацияланиши шароитида уларни белгиланган тартибда аниқ, тезкор ва ишончли маълумотлар билан мунтазам таъминланиши зарурати билан белгиланади. Бунда мавжуд муаммолар асосан баҳоловчи ташкилотларнинг фаолият механизми ва сифати, МҚБХБни транспарент ва ҳалол рақобат принциплари асосида ривожлантириш, баҳоловчи ташкилотлар фаолияти рейтинги ва рэнкингини аниқ, тезкор ва ишончли баҳоланиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг комплекс ечимига глобал раамли муносабатлар ривожланиши шароитида эришиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммоларнинг комплекс ечимига рейтинг баҳолашнинг жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Стратегияси вазифа ва талабларига мос равишда эришиш зарурати ушбу тадқиқотнинг бажарилишини тақазо этади.

Ҳозирда рейтинг баҳолаш хизматларининг жаҳон бозорига олигополия хос бўлиб, унда 100 дан ортиқ рейтинг агентликлари фаолият юритади. Лекин бунда Нью-Йоркнинг “катта учталлик” деб юритилувчи йирик рейтинг агентликлари улуши мазкур бозорнинг 90 фоизига яқин улушини ташкил қилади, яъни: Standard & Poor’s (S&P) – 40%, Moody’s – 40% и Fitch – 10% [5]. Зеро, ушбу халқаро рейтинг агентликлари (жумладан А.М. Best Company Inc., Duff and Phelps ва бошқалар) хизматларининг нархи жуда юқори [6]. Бунда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда узоқ вақт давомида ва ҳозиргача ҳам баҳоловчи ташкилотларнинг ишончлилигини рейтинг баҳолаш билан шуғулланадиган алоҳида рейтинг ташкилотлари бўлмаган, “Ахбор-рейтинг” агентлиги [7] эса мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорига ихтисослашмаганлиги учун бу ишларни бажармаган. Шу ва бошқа сабабларга кўра, Ўзбекистондаги баҳоловчи ташкилотлар халқаро рейтинг агентликлари хизматларидан фойдаланишга ҳозирчалик тўлиқ тайёр эмас.

Хулоса ва таклифлар

МҚБХБ муаммоларнинг комплекс ечими, халқаро ва миллий экспертлар фикрича, ушбу бозорни рақамли трансформация қилиш билан боғлиқ [4, 8].

Умуман олганда, шу пайтгача МҚБХБ ривожлантирилиши билан боғлиқ ислохотий чоралар [2] (мавжуд муаммолар ечими сифатида) 1-3-жадваллар маълумотлари таҳлилига кўра етарлича натижа бермаган. Бунда, чунончи, Давлат Раҳбарининг 2020 йил 5 октябрдаги №УП-6079-сон қарорида [1] корпоратив сектор вазифалари ва 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон қарори 7-қисми 3-бандида [2] “Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамияти томонидан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар

мониторинги асосида, штатда билимдон баҳоловчиларнинг мавжудлиги, мазкур баҳолаш ташкилоти томонидан бозорда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳолаш ташкилотларининг рейтингини жорий этиш тўғрисидаги ва уни жамоат ташкилотларининг веб-сайтларида эълон қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин” мазмунидаги вазифа қўйилган бўлсада, лекин унинг ижросига баҳоловчи ташкилотлар томонидан ҳанузгача етарлича эътибор қаратилмаяпти. Шу билан бирга, ҳозиргача МҚБХБ фаолияти ривожланган мамлакатларникидек мукамал ривожланган эмас, унда рақобат муҳити паст, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан лицензиялаш йўқ қилинган бўлсада, лекин баҳоловчи ташкилотлар фаолият механизми ва уларни рейтинг баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий базалари етарлича такомил эмас, бунда ўзини-ўзи тартибга солувчи нодавлат нотижорат ташкилотларга тегишли регулятив функциялар бажариш ваколатининг берилмаган ва бунинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган.

Айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг комплекс ечими баҳоловчи ташкилотлар фаолият рейтинг баҳоланиши ва рэнкинги аниқланиши тизими ва методологиясини жорий қилиш, МҚБХБ фаолиятини тартибга солишда ўзини-ўзи мувофиқлаштириш механизмини қабул қилиш ҳамда МҚБХБнинг рақамли трансформациси билан узвий боғлиқ. Бунда Ўзбекистондаги кўпчилик фаолият турлари, жумладан риэлторлик фаолияти, қаторида баҳолаш фаолиятини ҳам лицензиялаш бекор қилиниши муносабати билан, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида” (жумладан “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”) қонунни бекор қилиниши ва бекор қилинган барча қонунларнинг ўрнига умумлашган “Лицензияланмайдиган фаолият турларини амалга оширишнинг ўзини ўзи мувофиқлаштириш механизми тўғрисида” янги қонун ишлаб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тезроқ қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу янги қонун лойиҳасида баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар фаолиятининг рейтинг ва рэнкинги баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни ҳам тартибга солувчи қоидалар назарда тутилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги №УП-6079-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” №ПҚ-4381-сон Қарори.
3. Shoha'zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - T.: Iqtisod-moliya, 2018. - 492 b.
4. Шохъзамий Ш.Ш. Трактат о смарт цифровой республике. Монография. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020. - 352 с.
5. Онучак В.А. Международные рейтинговые агентства и их оценки: Учебное пособие. – М.: Анкил, 2012. -165 с.
6. Моисеев С.Р. Регулирование деятельности рейтинговых агентств на национальном рынке // Вопросы экономики. 2009. № 2. С. 39.

7. Методика рейтинга – Оценка деловой активности оценочных организаций Узбекистана // Рейтинговое агентство «Ahbor-Reyting» [Электрон. ресурс]. – Режим доступа: http://www.ahbor.uz/dr_kor_emit_method.php. – Дата доступа: 18.07.2010.
8. Ма Хуатэн и др. Цифровая трансформация Китая. Опыт преобразования инфраструктуры национальной экономики / Ма Хуатэн, Мэн Чжаоли, Ян Дели, Ван Хуалей; Перевод с китайского. - М.: Интеллектуальная литература, 2019. - 250 с.
9. Ларченко А.П. Место и роль оценочной деятельности в экономике РФ. // Оценка бизнеса. Подходы и методы. СПб.: "Unionlab", 2008. http://dom-khv.ucoz.ru/index/mesto_i_rol_ocenochnoj_deyatelnosti/0-395).
10. Касьяненко Т.Г., Бакалова К.А., Сергеева Д.П. Сравнительное исследование уровня развития оценочной деятельности в России и за рубежом // Российское предпринимательство. — 2016. — Т. 17. — № 5. — С. 645–660. — doi: 10.18334/rp.17.5.35032.
11. Рынок оценочных услуг в России и за рубежом. // Аналитическая статья. Офис Swiss Appraisal в Российской Федерации. Роман Чибисов. Апрель, 2009.-16 с. [file:///C:/Users/HP/Desktop/SwissAppraisal Analytical Article AppraisalServicesRussiaAndForeignCountries 06042009.pdf](file:///C:/Users/HP/Desktop/SwissAppraisal%20Analytical%20Article%20AppraisalServicesRussiaAndForeignCountries%2006042009.pdf).
12. Корсунский Д.И., Таряник С.А., Россоха Е.В. Тенденции и перспективы развития рынка оценочных услуг Республики Беларусь.// https://ino.by/docs/ecen_usl.pdf.
13. Россоха Е.В., Малащук Е.С., Соболевский А.С. Развитие оценочной деятельности в современных условиях Республики Беларусь. // Труды БГТУ, 2016, №7, с.173-177. cyberleninka.ru/article/n/razvitie-otsenochnoy-deyatelnosti-v-sovremennyh-usloviyah-respubliki-belarus.
14. Stephan Bartke, Reimund Schwarze. The economic role of valuers in real property markets. // UFZ Discussion Papers Department of Economics 13/2015 [https://www.ufz.de/export/data/global/77647 DP 13 2015 Theeconomicroleofvaluers.pdf](https://www.ufz.de/export/data/global/77647_DP_13_2015_Theeconomicroleofvaluers.pdf)).
15. Born, Waldo L, and Stephen A Pyhrr. 1994. "Real estate valuation: the effect of market and property cycles." Journal of Real Estate Research no. 9 (4):455-485.
16. Dulleck, Uwe, Rudolf Kerschbamer, and Matthias Sutter. 2011. "The economics of credence goods: An experiment on the role of liability, verifiability, reputation, and competition." The American Economic Review no. 101 (2):526-555. doi: <http://dx.doi.org/10.1257/aer.101.2.526>.
17. West, Richard. 2015. The Truth Shall Set Us Free: Appraisers Serve a Vital Role in U.S. Economy [Web Page]. Penton, 26/11/2014 2014 [cited 16/01/2015 2015]. Available from <http://nreionline.com/retail/truth-shall-set-us-free-appraisers-serve-vital-role-useconomy>.